

## МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚА МАДАНИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Азизбек Амонов,

БухДУ проректори, Социология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Ушбу мақолада миллатларапо тотувликни жараёнлари ва миллатларапо алоқа маданиятининг ижтимоий тотувликни таъминлашдаги ролини янада ошириш борасидаги масалалар кенг ёритилган. Мақолада Ўзбекистонда миллатлар ва элатларнинг ўзаро алоқа маданияти, ижтимоий тотувликни таъминлашдаги муҳим омиллар илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** миллат, элат, миллатларапо тотувлик, миллий тикланиш, миллий юксалиш, мултикультурализм, тинчлик, маданият, алоқа маданияти, эволюция.

Дунёning турли минтақасидаги давлатларида истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакилларининг ўзи яшаётган жамиятдаги тарихи, ўрни ва мақомлари турлича кечган. Масалан, Америка Кўшма Штатларида XIX асрда ирқчилик, табақалашув, яъни оқ танли ва қора танлиларнинг адолатсизликда кечган тарихи ва мавқеи кўпчиликка мълум. Оқ танлилар қора танлиларга инсон эмас, балки мулқ, буюм сифатида муносабатда бўлишган. Бу борада бокс қироли Муҳаммад Алини шу мавзуга бўлган муносабатини таҳлил қиласак, ижтимоий тотувликка раҳна соловчи омиларга рўпара бўламиз.

«Мен Рим олимпиадасининг олтин медаль совриндори бўлдим, Россия бир томонда, Польша иккинчи томонда (Польша ҳам коммунистик мамлакат-ку), мен қайсиdir мавънода ўз миллатимизнинг душманларини жангда ютдим. Америка байроғи мадҳияси остида шоҳсупага кўтарилдим. 1960 йил, мен шоҳсупада катта ғуурур билан турибман. Мен олтин медални қўлимга олдим ва ўзимга «эй дўстим, сен ўз халқинг учун олтин медални қўлга киритдинг, дунё чемпиони бўлдинг, демак, Сен шаҳарнинг қоқ ўртасидаги ресторонда овқатланишинг мумкин!» деб, шаҳар марказига йўл олдим. Олтин медалимни тақиб, ғуурур билан бир ресторанга кирдим. Аслида, ўша вақтларда қора танлиларга оқ танлилар билан бир жойда овқатланиш мумкин эмас эди. Мен ресторанга кириб ўтирдим ва официантга «Менга бир чашка чой, хот-дог» дедим. У эса менга, «Кечирасиз, бизда қора танлилар йўқ», деб жавоб қилди. Менинг жаҳлим чиқди ва «Мен ҳам қора танлиларни емайман» деб бақирдим ва «Менга бир чашка чой ва гамбургер беринг, дедим». Биласизми, мен унга бутун дунёни забт этганимни, бокс бўйича дунё чемпиони бўлганимни, ўз халқим учун

олтин медал совга қилганимни айтдим. Официант ресторон менежери билан боғланди ва у менга «Кечирасиз Сиз бу ердан чиқиб кетишингиз керак», деди. Мени ресторандан чиқариб ҳайдашди, ўз жонажон шаҳримдан! Қайсики, мен шу ерда христиан дини вакили, черков аъзоси. Мен шаҳар марказида овқатлана олмайман. Ўйладим ва бу ерда нимадир тушунарсиз. Ва тез орада оқ ва қора танлилар ажратилмайдиган мусулмон динига ўтдим.<sup>1</sup>

Мұхаммад Алиadolatsizlikning мафкуравий пойдеворини англайди: «Биз негрларга оқларни сев, қора танлиларни ёмон кўр, деб ўргатишган».<sup>2</sup> Ҳозирги вақтда дунёда жуда кўп қора танлилар яшайди, аммо улар ўзи ҳақида ҳеч нарсани билмайди, ўз тилида гаплашишмайди. Ўрта асрларда бир машхур қул сотув Джон Хоккенс деган яшаган. Ўша вакъларда унинг 5 та қулини Джонс деб аташган ва улар унга тегишли эканлигини билдирган. Агар сиз қулдор Смитга тегишли бўлсангиз демак сизнинг исмингиз ҳам Смит бўлган. Одамлар хусусий мулк эгаси номи билан номланган. «Мен мустақил эканман, демак ўз аждодларим номи билан номланишга ҳақлиман ва исмимни Мұхаммад Али деб номладим. Тасаввур қилинг, хитойликни номи билан Роберт Смит ёки немисларни Ван ёки Ли деб аташса тўғри бўладими?! Демак биздан қуллик даврида тилимизни, исломни, динни ўғрилашди».<sup>3</sup>

Миллат ва элатларни бирлашишига, тотувликда яшашига салбий таъсир этувчи бу каби салбий ҳодиса ва жараёнлар дунё тарихида кўп кузатилган.

Ўзбекистон мустақилликнинг ilk кунлариданоқ, ўзаро тотув, иқтисодиёти тараққий этган мамлакатни барпо этиш учун энг аввало миллатлараро ҳамжиҳатлик, инсонларнинг барча жабҳада тенглик муносабатлари, ҳамкорлик ва дўстлик мұхитини яратиш йўлидан борди. Йиллар давомида мамлакатимизда бу тамойилга амал қилиб келинмоқда.

Миллатлараро мулокат маданияти – ҳалқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашга, ҳар бир ҳалқда ўзини шу мамлакатнинг тўла ҳуқуқли фуқароси бўлишига, унинг ваколатли ва масъулиятли субъекти деб ҳис қилишига имкон беради.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли ҳалқа айланиши, миллат ва элатларнинг миграцияси узоқ тарихий жараёнларнинг натижасидир. Маълумотларга кўра, 1919 йилда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 70 га яқин миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилган. Орадан ўттиз йил ўтгач, бу сон 91 тага, 1959 йили – 113, 1979 йили – 123 тага етди. Охирги аҳолини

<sup>1</sup> АҚШнинг машхур журналисти, телебошловчиси билан бокс қироли Мұхаммад Али сұхбати/ (<https://www.youtube.com/watch?v=dS0hZtgLuWc&t=3s>) 1981 йил.

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Ўша манба

рўйхатга олиш натижаларига кўра, республикамизда 136 миллат вакиллари яшамокда.<sup>4</sup>

Халқимиз асрлар мобайнида бошқа миллатлар ва элатлар: қозоқлар, тоҷиклар, қирғизлар, туркманлар, араблар, турклар, ҳиндлар, афғонлар, бухоро яхудийлари ва бошқалар билан бирга яшаб келди. Бизнингча, мана шу тарихий фактнинг ўзи янги замон кишисининг миллатлараро алоқа маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш қанчалик муҳим, долзарб ва кечикириб бўлмайдиган вазифа эканлигини яққол кўрсатиб ва исботлаб турибди. Бу объектив ҳолат ўзига алоҳида диққат-эътибор беришни, жамиятда ўзаро тотувлик, ўзаро ишонч, ўзаро ёрдам умуман сиёсий барқарорлик вазиятини яратиш учун иқтисодий, хуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий шартшароитларни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишни талаб қиласди.

«Жаҳон тажрибасидан миллатлар ёки этник гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали, рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу мамлакатларда этник гуруҳлар ва ирқлар ўртасида маълум муаммолар мавжуд. Шунга қарамай кўп миллатлилик ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидаги тўғаноқقا айланиб қолмаган. Аксинча, тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам берган. Миллатлар ва маданиятларнинг бир-бирига ўзаро таъсири бу давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий-маърифий юклалиши учун яхши манбага айланган. Шундай қилиб, мамлакатларда кўп элатлилик омили демократик ўзгаришларни жадаллаштириш ва фуқаролик жамияти қуришнинг таъсирчан воситасига айланган».<sup>5</sup>

Ҳозирги даврда миллатлараро алоқа маданиятининг ижтимоий манбалари (1-расм)<sup>6</sup> ва яқин 10 йилликда кутилаётган миллатлараро алоқа маданиятидаги трансформацион жараёнлар (2-расм)<sup>7</sup> қўйидаги тартибда таснифланади.

2-расм

<sup>4</sup> Мансуров А. Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили. – Т.: 1999. 6-бет.

<sup>5</sup> Шермуҳаммедов С. Миллатлараро алоқа маданиятининг асосий томонлари, даражаси, ривожланиш мезонлари ва ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти.//Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили. – Т.: 1999. 69-б. ва 71-б.

<sup>6</sup> Тадқиқотчи А.Амонов томонидан шакллантирилган миллатлараро алоқа маданиятининг ижтимоий манбаларининг таркибий чизмаси.

<sup>7</sup> Тадқиқотчи А.Амонов томонидан яқин 10 йилликда кутилаётган миллатлараро алоқа маданиятидаги трансформацион жараёнларнинг таркибий чизмаси.



Миллатлараро алоқа маданиятининг интенсивлашуви титул миллат маданияти ва толерант табиатининг оммалашувига боғлиқдир. Унинг шаклланиши ўзбекларга хос бағрикенгликнинг миллий гурухлар ўртасида мутаносиб тарзда сингиши ва ҳурматли қадриятга айланишига боғлиқдир. Миллий муносабатларда тушунмовчиликлар, ҳар хил зиддиятлар, муаммовий ҳолатларнинг келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмасдир. Аммо, буларнинг бари фақат конструктив мулоқот йўли билан ечилиши лозимдир. Айниқса, бирор бир миллат ёки элатлар ҳаётидаги қандайдир салбий ҳодисаларни танқид қилиш ўта эҳтиёткорлик ва меъёри билишни талаб этади. Бирор бир салбий ҳодиса ёки жиноий ҳаракатларга миллий тус беришга умуман йўл қўйиб бўлмайди. «Ўзбеклар иши», «Кавказ мафияси» каби тоталитаризмнинг ўринсиз, миллатчилик руҳидаги айловлари бунга мисол бўла олади.<sup>8</sup>

Ваҳоланки, халқларимизнинг азалий маънавий, миллий-исломий бирлигининг яна бир мисолини XIX асрнинг иккинчи ярмида халқимиз ҳаёти, феъл-авторини ўрганган венгер олимни Ҳерман Вамберининг қайдларида кўрамиз. Ўша давр ўзбеклари ҳақида олим шундай деган эди: «Олтин ўрдада «ўзбек» деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, бу сўз орқали «мусулмонча тарбияланган», деган мазмун тушунилган.<sup>9</sup> Яъни, улар «шафқатсиз одатлардан бош тортишиб, Ўзбекхон муқаддаслаштирган мусулмонлик – Осиё маданиятига йўл очишган: ўтроқ ва ярим ўтроқ, асл деҳқон; ҳарбий миллат; савдода оғир вазмин; санъатда мўътадил; очиқ кўнгил, мард, жиддий, ҳақиқий туркий ҳимматга эга, маъюсликгача кам гап, совуққонликни одоб-ахлоқ намунаси ҳисобловчи бир гапни ўйлаб оғзидан чиқаргунча бир қанча дақиқалар ўтади; ўзбек ўйлаброқ гапиришга мойил, у буни табиий деб билади; садоқатли ва довюрак бўлиб, тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиласиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукаммаллик намунаси деб билади. Давлатнинг ҳимоя қилиб яшашни ўз зиммасига олган ўзбекларнинг оиласи муносабатларини асл намуна ҳисобласа бўлади. Уларда кўп хотинлилик фақат ҳукмронларга хос, ўрта ёшга бориб қолган фарзандлар ўз ота-оналарига жуда ҳурмат ва эҳтиромли бўлишади. Ўзи 30-40 ёшларга бориб қолган ўғил отасининг бир қарашидаёқ чўчиб кетади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда чилим чекмайди, биринчи ўтиромайди ва биринчи гапирмайди; туркий шевада гапирадилар; ўзбеклар художўйдирлар ва болаларидан қунт талаб қилишади; мугомбирлик камдан-кам учрайди;

<sup>8</sup> Шермуҳаммедов С. Миллатлараро алоқа маданиятининг асосий томонлари, даражаси, ривожланиш мезонлари ва ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти// Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили. -Т.: 1999. 69-б. ва 71-б.

<sup>9</sup> Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. -Т.: F.Фулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 113-б.

ўзбеклар яхши мусулмондирлар – шу жиҳатдан анатолиялик туркларга ўхшайдилар; ашула ва мусикани жон дилидан севишади.<sup>10</sup>

Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдўғоннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифида ҳам маданий-гуманитар ва миллатлараро тотувлик энг муҳим йўналиш деб эътироф этилди. Бунинг нақадар ҳақлиги бутун ташриф давомида ўзаро меҳрли муносабатларда сезилиб турди. Бу ҳикмат Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Турк ҳалқи ўзбек заминини ўзи учун муқаддас, деб билади ва уни «ота юртимиз»,<sup>11</sup> деб эъзозлайди. Қардош турк ҳалқининг бизнинг ўлкамиз ва ҳалқимизга бўлган чексиз меҳр ва ҳурматини англаш, ҳис қилиш учун шу сўзнинг ўзи кифоя», деган ёхуд «Туркия ва Ўзбекистон тарихи буюк, урф-одат ва анъаналари муштарак, энг яқин дўстлар сифатида танилган. Ҳалқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини доимо қўллаб-қувватлайди. Бугунги музокаралар ушбу дўстлик ришталарини янада бир поғона юқорига олиб чиқишига ишонаман», – деган сўзларида ўз ифодасини топган.<sup>12</sup>

Турк – тарихий шахс исми. Мирзо Улуғбек бобомиз Туркни «машриқ<sup>13</sup>нинг биринчи ҳоқони», деб бундай тавсифлаган эди: У (Турк) оқил ва боадаб бўлиб, ҳунарманд бўлган. Ўз қавми орасида хуш расм-руслар, гўзал тартиблар ўрнатган. Таомга туз солиш, шунингдек, чорва ва ваҳший ҳайвонлар терисидан либос тикиб кийиш ҳам Турк даврида пайдо бўлди. Турк 240 йил умр кўрган».<sup>14</sup> Дарҳақиқат, ўзбек ва турк ҳалқлари кўп асрлик умумий тарих, ягона тил ва дин, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Биз ким малики Турон Амири Туркистон, миллатларнинг энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз»,<sup>15</sup> деган муборак сўзлари турк ва ўзбеклар тарихи бирлигининг олий ҳужжати бўлиб хизмат қиласиди.

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингdir,  
Муайян турк улуси худ менингdir.  
Олибмен тахти фармонимға осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.  
Хуросон демаким, Шерозу Табрез ...<sup>16</sup>

<sup>10</sup> Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. -Т.: F.Фулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 114-б.

<sup>11</sup> Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир // Т.: Ўзбекистон, 2018. 385-бет.

<sup>12</sup> Ўзбекистон – Туркия: ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган ҳамкорлик жадал ривожланмоқда // Т.: Ҳалқ сўзи, 2018 йил 1 май №86-87 (7044-7045).

<sup>13</sup> Машриқ - Кора денгизнинг шимолидан тортиб то Сибирнинг шарқий худудларигача бўлган катта тери-тория туркий ҳалқлар еридир. Бу худуднинг сиёсий ва маданий маркази Мавороннаҳр бўлган. Туркларнинг энг сараурутлари Мавороннуҳрда яшаган Шу боисдан Туркистон деб аталган.

<sup>14</sup> Улугбек, Мирзо. “Тўрт улус тарихи”. – Т.: “Чўлпон” 1994. – 352 б.

<sup>15</sup> Темур тузуклари. – Т.: «Ёшлар» 2018. – 12 б.

<sup>16</sup> Алишер Навоий шеъри. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/va-ob-ra-monov-suz-zha-ongiri/>

Жаҳон харитасида ушбу байтларда қамралган худудларни тасаввур этсак, Хитойдан Табризгача яшаган юзлаб халқлар – жами турк улуси Алишер Навоийнинг илҳомидан баҳра олгани маълум бўлади.

Президент Режеп Эрдўған Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг Туркиядаги офисида фақат Ўзбекистон байроғи етишмаётгани ҳақида айтган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёв ташаббуси билан Ўзбекистон байроғи эндиликда туркий тилли давлатлар байроғи сафида ҳилпираб турибди.

Марказий Осиё ўрта аср тарихий-географик адабиётларда азалдан Туркистон деб аталган. Бу ном 1925 йилгача яшаб келган. 1925 йилдан бошлиб «Ўрта Осиё» термини жорий қилиниб, Туркистон тушунчаси йўқ қилинган эди. Бу бежиз эмас, чунки империялар 25 дан ортиқ туркий тилдош, диндош, қардош халқларнинг дўстлигидан қўрқиб келишган. Шу сабабли туркий халқлар орасига низо, қутқу, хусумат солинди. Туркистон мухторияти, ўзлик, мустақиллик ҳақида оғиз очган жадид боболаримиз Мунаввар қори Абдурашидхонов, Мажид Қодирий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Махмудхўжа Беҳбудий, Ҳожи Муин, Ибрат ва бошқа юзлаб шахслар қатағонга дучор эилди.

Миллатлараро алоқа маданияти, инсонпарварлик миллатлараро муносабатларда инсонпарварлик ва ижтимоийadolat тамойилларига таянади. Жамиятнинг тараққийпарварлиги ва инсонпарварлиги ундаги асосий мезон — миллатлараро алоқа маданияти даражасига боғлиқdir. Жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан қанчалик тараққий этган бўлмасин, агар миллатлараро алоқа маданияти ривож топмаган бўлса, уни ривожланган деб бўлмайди.

Миллатлараро мулоқат маданиятисиз мамлакат, минтақалар миқёсидаги бирорта ҳам масала ижобий ҳал этилмайди. Ўзаро ижтимоий, сиёсий муносабатлардаги келишмовчиликнинг муҳим сабабларидан бири ҳар иккала томонга хос бўлган миллатлараро алоқа маданиятининг етишмаслигидандир. Социологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ҳар қандай муаммони ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган нарса – миллатларо алоқа маданиятининг узлуксиз таълим муассасаларида мақсадли тарбияланмаётгани туфайлидир. Бундай вазиятда миллатлараро мулоқат маданиятининг тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши керак. Акс ҳолда бу ҳолат мамлакатда миллатлараро алоқа маданиятининг ривожланмай қолиши, халқларнинг ўз тарихини билмаслиги, аждодлари маънавиятидан бехабарликка, миллий қадриятларидан узилиб қолишга олиб келади.

Жамиятда миллатлараро алоқалар маданияти қанчалик юқори бўлса, ўша жамиятда миллатлараро зиддиятлар ва муаммолар содир бўлиши хавфи шунчалик кам бўлади. Юқори даражадаги миллатлараро



алоқа маданиятига эга жамият зиддиятли шароитлардан тинч йўл билан чиқиб кета олади. Миллатлараро алоқа маданиятининг туб мазмуни бу – бутун инсоният, миллатлар, ирқлар бирлигини онг-тафаккурда хис қилиш ва унинг бирлиги кучидан илҳомлана олишdir.

Миллатлараро алоқа маданияти ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ривожланмоқда. Дунё мамлакатлари ўртасида шаклланиб ва ривожланиб бораётган интеграциялашув миллатлараро алоқа маданиятининг шаклланиши учун қулай замин бўлиб, унинг ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратмоқда. Буни Марказий Осиё халқарининг минтақавий миқёсдаги «Туркистон – умумий уйимиз» шиори остидаги маданий интеграциялашув мисолида қўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, бу интеграция, маданий бирикиш миллатлараро мулоқат маданиятининг ҳозирги, замонавий талабларига жавоб беради. Чунки ўзбек халқи тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлиб, биз учун Турон – минтақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқарининг сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзиdir. Бундан ташқари, умуммаданий, тарихий ва антропологик иддизларимиз бизни тожик халқи билан ҳам туташтиради. Бу ҳол бизга ўз маданиятимизни Марказий Осиё учун маълум даражада ноёб бўлган турк ва форс маданиятларининг синтези деб ҳисоблашга тўла ҳуқуқ беради. Ана шундай бойликка эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари маданий интеграциялашувининг ташаббускори бўлиши мумкин ва лозимdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил охирида қилган Олий Мажлисга Мурожаатномасининг бешинчи йўналишида миллатлараро тотувлик, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш устувор йўналишлар этиб белгиланди. Ўтаётган йиллар ушбу позитив гояларнинг рӯёбини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Президент Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 2018 йил 9 март куни давлат ташрифи билан Тожикистон Республикасида бўлишлари икки мамлакат ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Кўчаларда Ўзбекистон Президенти истиқболига чиққан минглаб тожикистонликларнинг юз-кўзларидаги шодлик бу ташрифнинг қардош халқлар учун орзиқиб кутилган воқеа эканини кўрсатди.

Интернетнинг ижтимоий тармоғларида телеграмм менежери орқали боғланиб, социологик блиц-интервьюлар олганимизда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари қуйидаги фикрларни билдиришди: «Серқуёш Тожикистонга хуш келибсиз, хурматли Президент!», «Биз Тожикистон халқи Сизнинг меҳрингиз ва икки буюк халқларни бирлаштириш салоҳиятингизни юксак



қадрлаймиз». «Биз Сиз учун, дўстлигимиз учун дуо қиласяпмиз. Биз орзу қилган, яратгандан сўраган кунлар келди» (**Мұхаммадиса**).<sup>17</sup>

**Озод (исм)** – «Шарқда бир ҳикмат бор: қўшнинг қариндошдан яқин. Аммо тожик ва ўзбек халқлари ҳақида гапирганда улар нафақат яқин қўшни, нафақат қариндош, улар битта халқ! Фақат ҳар хил тилда гапиришади. Аниқроғи, бир хил сўзларни сал бошқачароқ айтишади... холос».<sup>18</sup>

**Зухриддин** – Ассалому алайкум ҳурматли Президент Шавкат Миромонович, Сизни Тожикистон Республикасига ташриф бюришингиз барча Тожикистон халқини жуда хурсанд қилди ва сизнинг ташрифингизни хурсандчилик ва байрамдек кутиб оламиз. Сизга каттадан катта раҳмат. Сизга Оллоҳдан сиҳат саломатлик ва узоқ умр тилаймиз. Хуш келибсиз!!!»<sup>19</sup>

Дўстлик – Марказий Осиё халқларининг барча тилларида бор ва бир хил тушунилади. Навоий, Рудакий, Абай, Махтумқули, Тўқтағул нафақат қўшни халқларни, балки бутун башариятни меҳр-оқибатга, дўст-биродарликка даъват этиб ўтдилар. Зоро дўст, аҳил халқлар бирга яшаб, бирга тараққий этишнинг маънавий кафолати. Боболар ўғитларига садоқат, халқимиздаги одамгарчилик, хушфеъллик, Ўзбекистонда олиб борилаётган миллий сиёsat миллий, диний мансублигидан қатъий назар барча халқларнинг ўзаро тотувлигини таъминламоқда. Ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз халқ мақолларининг энг кўпи дўстлик ҳақида. Ўзбек: «Дўсти борнинг дарди бўлмас», деса қозоқ: «Дўстлик йўқ жойда муваффақият йўқ», дейди. Туркман – «Дўстсиз дунё қоронғу», деса, тожик: «Мехрибон дўстларингни йўқотма», қирғиз «Дўст кулфатда билинар», дейди. Бу ўғитлар ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз халқларининг етти пуштидан ўтиб-етиб келган.<sup>20</sup>

Миллатлараро мулокот маданиятини ривожлантиришда диний бағрикенглик омилининг роли катта. Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик мухити ва диний бағрикенглик тамойиллари барқарор ҳукм сурмоқда. Республикамизда 16 диний конфессия ва 2200 дан ортиқ диний ташкилот фаолият олиб боради. Мазкур ташкилотлардан 1875 таси ислом динига, 33 таси рус православ черковига, 24 таси Евангель христиан-22 баптистлар Иттифоқига, 22 таси Евангель Пол христиан черковига, 4 таси Евангель-лютеран черковига, 11 таси еттинчи кун адвентислар черковига, 5 таси Рим-католик черковига, 1 таси Арман-апостол черковига, 7 таси Бахайишонч уюшмасига, 2 таси Кришна жамиятига, 2 таси иеговларга, 8 таси иудея жамоасига, 60 таси протестантлар

<sup>17</sup> Блиц-интервью савол жавоблари муаллиф томонидан олиб борилган.  
<https://www.facebook.com/aziz.amonov.5494>

<sup>18</sup> Ўша манба.

<sup>19</sup> Ўша манба.

<sup>20</sup> Ўша манба.

черковига, 1 таси Ўзбекистон Библия жамиятига, 1 таси «Голос Божий» жамоасига ва яна 1 таси Будда ибодатхонасиға тегишилдири.<sup>21</sup>

Истиқлол йилларида юз мингдан ортиқ киши ҳаж ибодатини адо этган.<sup>22</sup> Республикаиз аҳолисидан 1991 йил – 350, 1995 йил – 3008, 2000 йил – 3841, 2005 йил – 4 минг, 2010 йил – 4522, 2014 йилда эса 4602 зиёратчилар ҳаж сафарига борганлар. 2016 йилда 5 минг нафар зиёратчи Ҳаж сафарига борган бўлса, 2017 йилда 7 мингга юртдошларимиз Ҳаж ибодатини адо этишиди.<sup>23</sup> Булар Ўзбекистонда шаклланган янги этносиёсий парадигманинг миллатлараро алоқа маданиятига кўрсатган ижобий таъсири натижасидир.

Маълумки, миллатлараро мулоқот маданиятининг ўзаги – ўзаро ишонч бўлиб, ишонч эса маънавиятнинг негизидир. Ишонч сусайса, ишончсизлик ортса, ўзаро муносабатларда совуқчилик кучаяди.

Миллатлараро алоқа маданиятини ривожлантиришнинг бош мезони бир миллатнинг бошқа миллат манфаатларини рӯёбга чиқаришга, ривожлантиришга, уларнинг ўзаро муносабатларини, ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга қўшган хиссаси, кўрсатган холис ёрдами ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув даврида миллатлараро муносабат маданиятида янги тенденция, яъни умуминсоний маданиятга интилиш кучайиб, уни ўзлаштиришга бўлган майлнинг ривожланиши кузатилади. Ана шундай шароитда ҳар бир халқнинг миллий маданиятини ривожлантириш эҳтиёжи долзарб масалага айланади. Шу боисдан ҳам миллатлараро алоқа маданиятини шакллантириш тарихий зарурат бўлиб, уларда миллатлараро алоқа маданияти уюштирувчи асос вазифасини бажаради ва инсонпарварлик моҳиятининг ифодаси бўлиб қолади. Бундай ҳамкорлик, бирлашиш ҳозирги инсониятнинг юксак, олий идеали бўлиб, миллатлараро алоқа маданияти бу идеалнинг таркибий қисми ва уни амалга оширишнинг энг муҳим йўлидир.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари миллатлараро тотувлик ҳодисаси универсал моҳиятга эгалигини, ўзининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асосларга мустаҳкам таяниб амал қилишини тасдиқлади. Янги Ўзбекистонни яратишида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак» деган ижтимоий адолатни таъминлаш принципи ҳаётнинг барча жабҳаларига жорий қилинмоқда

<sup>21</sup>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жорий архиви. 2015 йил учун диний ташкилотларни рўйхатга олиш бўйича ҳисботининг 12-бети.

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги диний ишлар қўмитасининг жорий архиви. 1991–2016 йилларидағи ҳисбот.

<sup>23</sup> <https://hidoyat.uz/12148>

ҳамда барча миллатларнинг ҳаётий эҳтиёжлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларига янада теранроқ хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда сепаратизм, расизм, геноцид, апартеид, сегрегация, дискриминация, мажбурий миграция ва ассимиляция ҳамда шунга ўхшаш ҳар қандай иллатлар қарши туришнинг нафақат этатик, балки, ижтимоий тизим шакллантирилди ва мустаҳкамланмоқда. Миллатлараро муносабатлар муҳитидаги барча субъектларнинг динидан, тилидан, ирқидан, миллатидан қатъий назар бевосита тенглиги таъминланди. Миллий ва миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи сиёсий, маданий ва ҳуқуқий тизим такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижалари миллатлараро тотувлик муҳитининг барқарорлигини таъминлаш учун мазкур ижтимоий ҳодисанинг ўзгаришлар индикаторларини ишлаб чиқиш заруратини кун тартибига чиқазди. Мазкур индикатор диссертант томонидан ишлаб чиқилиб турли миллат вакиллари орасида тажрибадан ўтказилди. Ўтказилган тадқиқот натижалари миллий тотувлик индикаторлари қаторига миллатлараро ва динлараро бағрикенглик даражасини аниқлаш барчани бирлаштирувчи титул миллат адабиёти, санъати, маданиятини билиш китобхонлик маданияти орқали миллатлараро алоқа маънавиятини бойитиш элементларини киритиш зарур деб хисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, миллатлараро тотувлик – бу миллатлар, элатлар, минтақалар, бутун инсоният ҳамжамиятининг барча соҳалар ва кўринишларида яхшилик қилиш ҳамда бир-бирини ўзаро тушуниш асосида ҳаракат қилишдир. Миллатлараро тотувлик миллий сепаратизм ва шовинистик дунёқарашга барҳам беради.

Ижтимоий муносабатларни, такомиллаштириш миллатлараро алоқа маданияти нафақат корпоратив балки, шахсининг индивидуал ривожланишини ҳам тақазо этади. Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик барча даражадаги ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг зарур омилигина бўлиб қолмай, шу билан бирга инсон ва жамиятнинг маърифатли ривожланишининг муҳим мезони ва мақсади ҳамдир.